



THE ESSENCE AND LEGAL NATURE OF ADMINISTRATIVE COURT PROCEEDINGS

Shukhrat Nuriddinovich Nuriddinov

Judge of Termez Interdistrict Administrative Court

sh.nuriddinov@mail.ru

Termez, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: administrative proceedings, administrative justice, public law, judicial review, public authorities, procedural law.

Received: 26.01.26

Accepted: 27.01.26

Published: 28.01.26

Abstract: This article provides a comprehensive scholarly analysis of the essence and legal nature of administrative proceedings in the Republic of Uzbekistan, as well as their role within the system of public-law relations. Administrative justice is examined as an independent procedural form of judicial review over decisions, actions, and inaction of public authorities and officials. The study focuses on the objectives and principles of administrative proceedings, the active procedural role of the court, the distribution of the burden of proof, the system of evidence, and the relationship between administrative proceedings and administrative procedures. The findings of the research contribute to improving mechanisms for the effective judicial protection of individual rights and lawful interests in the field of public administration.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Шухрат Нуриддинович Нуриддинов

Термиз туманлараро маъмурий судининг судьяси

sh.nuriddinov@mail.ru

Термиз, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий адлия, оммавий ҳуқуқ, суд назорати, давлат органлари, процессуал ҳуқуқ.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритиш институтининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати, шунингдек, унинг

оммавий-хукукий муносабатлар тизимидаги ўрни комплекс илмий таҳлил қилинади. Маъмурий суд адлияси давлат органлари ва мансабдор шахслар қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан суд назоратини амалга оширишнинг мустақил процессуал шакли сифатида тадқиқ этилади. Мақолада маъмурий суд ишларини юритишнинг вазифалари ва принциплари, суднинг фаол процессуал роли, исботлаш мажбуриятининг тақсимланиши, далиллар тизими ҳамда маъмурий процедуралар билан ўзаро боғлиқлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан очиқ берилади. Тадқиқот натижалари маъмурий суд адлияси орқали шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

СУЩНОСТЬ И ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ВЕДЕНИЯ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДЕБНЫХ ДЕЛ

Шухрат Нуриддинович Нуриддинов

Судья Термезский межрайонный административный суд

sh.nuriddinov@mail.ru

Термез, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: административное судопроизводство, административная юстиция, публичное право, судебный контроль, государственные органы, процессуальное право.

Аннотация: В статье проводится комплексный научный анализ сущности и правовой природы института административного судопроизводства в Республике Узбекистан, а также его места в системе публично-правовых отношений. Административная юстиция рассматривается как самостоятельная процессуальная форма судебного контроля за решениями, действиями и бездействием государственных органов и должностных лиц. Особое внимание уделяется задачам и принципам административного судопроизводства, активной роли суда, особенностям распределения бремени доказывания, системе доказательств и взаимосвязи административного судопроизводства с административными процедурами. Сделанные выводы направлены на повышение эффективности судебной защиты прав и законных

Кириш. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичда ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат органлари фаолиятида қонунийлик, ошкоралик ва ҳисобдорликни таъминлаш маъмурий адлия институтининг тизимли ва самарали амал қилиши билан бевосита боғлиқдир. Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган маъмурий қарорлар, амалга оширилаётган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик ҳолатлари фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли бундай қарорлар устидан самарали ва мустақил суд назоратини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш ана шу суд назоратининг махсус процессуал шакли сифатида давлат ва шахс ўртасида юзага келадиган оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишга хизмат қилади. Унинг мазмуни фақат низони ҳал этиш билан чекланиб қолмасдан, маъмурий органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларда қонун ва судга нисбатан ишончни мустаҳкамлаш каби кенг ижтимоий вазифаларни ҳам қамраб олади.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларнинг 2017 йил 1 июндан ташкил этилиши суд-ҳуқуқ ислохотларининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Мазкур ислохотлар натижасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари устидан судга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайди, маъмурий органлар фаолиятининг суд орқали назорат қилиниши институционал жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд ишларини юритишнинг моҳияти ва ҳуқуқий табиатини чуқур ва комплекс таҳлил қилиш илмий ва амалий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

1. Маъмурий суд ишларини юритишнинг моҳияти

Маъмурий суд ишларини юритиш моҳиятига кўра, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга қаратилган суд фаолиятининг мустақил туридир. У давлат ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ҳаракатларни суд тартибида текшириш орқали қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур институтнинг асосий моҳияти шундаки, у давлат органлари ва мансабдор шахслар билан фуқаролар ҳамда юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда мавжуд объектив тенгсизликни бартараф этишга қаратилган. Давлат органи маъмурий ҳокимият ваколатига эга субъект сифатида устун мавқега эга бўлгани ҳолда, фуқаро одатда

ахборот, ҳуқуқий билим ва ташкилий имкониятлар жиҳатидан чекланган бўлади. Маъмурий суд ишларини юритиш ана шу номутаносибликни суд орқали бартараф этиш механизмини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибини[1] белгилайди. Ушбу жиҳат маъмурий суд ишларини юритишнинг жазоловчи эмас, балки ҳуқуқни тикловчи ва ҳимоявий характерга эга эканини кўрсатади.

Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишнинг моҳияти қуйидаги асосий вазифалар орқали намоён бўлади:

- давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш;
- маъмурий қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш;
- оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳимоясига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

2. Маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий табиати

Маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий табиати унинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши ва махсус процессуал қоидалар асосида амалга оширилиши билан тавсифланади. У фуқаролик ёки иқтисодий суд ишларини юритишдан фарқли равишда, давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган маъмурий актлар устидан суд назоратини таъминлашга қаратилган.

Маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар формал жиҳатдан тенг бўлса-да, уларнинг моддий-ҳуқуқий мақоми тенг эмас. Маъмурий орган давлат ҳокимияти ваколатига эга бўлган субъект сифатида иштирок этади. Шу сабабли қонунчилик судга фаол роль юклайди ҳамда исботлаш мажбуриятини асосан маъмурий орган зиммасига юклайди. Бу ҳолат маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий табиатини ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари ва қонунийлик принциплари билан боғлайди.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий табиати қуйидаги белгилар орқали ифодаланади:

- оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишга қаратилганлиги;
- суднинг фаол иштироки принципига асосланиши;
- исботлаш мажбуриятининг асимметрик тақсимланиши;
- маъмурий процедуралар устидан суд назоратини амалга ошириши.

3. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий аҳамияти

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий аҳамияти принципи маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий конституциявий ва процессуал тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу принцип ҳар бир шахсга — жисмоний ва юридик шахсларга — давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида бузилган ёки баҳсли бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини кафолатлайди[2]. Илмий адабиётларда мазкур ҳуқуқ адолатли судловга бўлган ажралмас ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида баҳоланади[3].

Маъмурий ҳуқуқ назариясида таъкидланишича, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат формал ҳуқуқ сифатида эмас, балки реал ва самарали суд ҳимоясини таъминлашга қаратилган институционал кафолат сифатида қаралади[4]. Айнан маъмурий суд ишларини юритиш доирасида мазкур принцип шахс ва давлат ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий низоларни мустақил, холис ва адолатли ҳал этиш имконини яратади. Бу эса давлат ҳокимияти ваколатларининг қонуний амалга оширилиши устидан таъсирчан суд назоратини таъминлашга хизмат қилади[5].

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ҳуқуқий аҳамияти, аввало, қонунийлик принципини мустаҳкамлаш, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш ҳамда маъмурий ўзбошимчалик ҳолатларининг олдини олишда намоён бўлади[6]. Шунингдек, мазкур принцип фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ишончини ошириш, уларнинг ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш ҳамда оммавий манфаатлар билан шахсий ҳуқуқлар ўртасида адолатли мувозанатни таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида тавсифланади[7].

Шу тариқа, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий аҳамияти принципи маъмурий суд ишларини юритиш тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш ҳамда ҳуқуқий давлат тамойилларини амалиётга татбиқ этишнинг фундаментал асосларидан бири ҳисобланади[8].

4. Суднинг фаол иштироки принципи

Суднинг фаол иштироки принципи маъмурий суд ишларини юритишнинг фундаментал процессуал тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу принцип суднинг ишни кўриб чиқиш жараёнида фақат тарафлар тақдим этган далиллар билан чекланиб қолмасдан, оммавий-ҳуқуқий низонинг барча ҳуқуқий ва фактик ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона аниқлашга қаратилган фаол процессуал позицияни эгаллашини назарда тутди[9]. Маъмурий адлиянинг мазкур хусусияти, аввало, “фуқаро-давлат” муносабатларида тарафлар имкониятларининг объектив номутаносиблиги мавжудлиги билан изоҳланади[10].

Илмий адабиётларда таъкидланишича, маъмурий суд иш юритувида суднинг фаол иштироки қонунийликни таъминлаш, оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал қафолатлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади[11]. Хусусан, Ю.Н. Старилов маъмурий судни “фаол арбитр” сифатида тавсифлаб, унинг вазифаси давлат ҳокимияти ваколатларининг қонуний амалга оширилишини таъминлашдан иборат эканини таъкидлайди[12]. Шунингдек, О.Е. Кутафиннинг фикрича, суднинг фаол процессуал роли оммавий ҳуқуқ соҳасида суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади[13].

Қиёсий ҳуқуқ таҳлили шуни кўрсатадики, Германия ва Франция маъмурий адлия тизимида суд ишни кўриб чиқишда далилларни талаб қилиш, қўшимча ҳолатларни аниқлаш ва ҳуқуқий баҳолаш доирасини кенгайтириш ваколатларига эга[14]. Мазкур ёндашув маъмурий суд ишларини юритишнинг самарадорлигини таъминлаш ва давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан суд назоратини амалга оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд қонунчилигида ҳам суднинг фаол иштироки исботлаш мажбуриятини тақсимлаш, далилларни йиғиш ва баҳолашга оид нормалар орқали мустаҳкамланган[15].

Шу тариқа, суднинг фаол иштироки принципи маъмурий суд ишларини юритишда одил судловни таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатларда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали тиклашга қаратилган муҳим процессуал қафолат сифатида намоён бўлади.

5. Исботлаш мажбурияти ва далиллар тизими

Маъмурий суд ишларини юритишда исботлаш мажбуриятининг тақсимланиши умумий процессуал қоидалардан сезиларли даражада фарқ қилади. Маъмурий орган ёки мансабдор шахс ўз қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг қонуний ва асосли эканини исботлаши шарт. Бу қоида давлат органининг жавобгарлигини ошириш ва маъмурий фаолиятда шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Далиллар тизими ёзма, ашёвий ва рақамли далиллар, эксперт хулосалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда тарафларнинг тушунтиришларини қамраб олади. Суд далилларга ўз ички ишончига кўра, ишга алоқадорлик, маъбуллик ва ишончлилик мезонлари асосида баҳо беради.

6. Маъмурий суд ишларини юритиш ва маъмурий процедуралар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Маъмурий суд ишларини юритиш маъмурий процедуралар билан чамбарчас боғлиқ. Маъмурий процедуралар маъмурий органларнинг қарор қабул қилиш жараёнида амал

қилиши лозим бўлган қоидаларни белгилайди. Амалиётда айнан шу қоидаларнинг бузилиши маъмурий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Маъмурий судлар маъмурий актларнинг мазмунан қонунийлигинигина эмас, балки уларни қабул қилиш жараёнида процедураларга риоя этилган-этилмаганлигини ҳам текширади. Бу ҳолат маъмурий суд ишларини юритишнинг профилактик аҳамиятини янада оширади.

Хулоса. Маъмурий суд ишларини юритиш институти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлат ва шахс ўртасидаги ишончли ҳуқуқий восита сифатида алоҳида аҳамият касб этади. У орқали фуқаролар ва юридик шахслар давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўладилар. Шу маънода, маъмурий адлия инсон манфаатларини давлат ҳокимиятидан устун қўйишга қаратилган ҳуқуқий давлат тамойилларининг амалий ифодасидир.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг мазмуни фақат низоларни ҳал этиш билан чекланиб қолмай, балки давлат органлари фаолиятида қонунийлик, адолат ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади. Суднинг фаол иштирок этиши, исботлаш мажбуриятининг оқилона тақсимланиши ҳамда оммавий ва шахсий манфаатлар ўртасида мувозанатни сақлаш мазкур институтнинг инсонпарварликка йўналтирилган ҳуқуқий табиатини намоён этади. Шу боис, маъмурий адлия институтини изчил такомиллаштириб бориш инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ва узлуксиз йўналиши бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/3527353>
2. <https://lex.uz/docs/6445145>
3. Бахрах Д.Н. Административное право. – М.: Норма, 2017. – С. 287.
4. Старилов Ю.Н. Административная юстиция и административное судопроизводство. – М.: Норма, 2019. – С. 64–66.
5. Шеремет М.С. Административная юстиция: теория и практика. – М.: Юрайт, 2018. – С. 91.
6. Кутафин О.Е. Публичное право и судебная защита. – М.: Норма, 2015. – С. 142.
7. Тихомиров Ю.А. Публичное право: теория и практика. – М.: Юрист, 2016. – С. 203.
8. <https://lex.uz/docs/3527353>
9. Старилов Ю.Н. Административное судопроизводство в Российской Федерации. – М.: Норма, 2019. – С. 45–47.

10. Шеремет М.С. Административная юстиция: теория и практика. – М.: Юрайт, 2018. – С. 62.
11. Бахрах Д.Н. Административное право. – М.: БЕК, 2017. – С. 311.
12. Старилов Ю.Н. Административная юстиция: проблемы теории. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 2016. – С. 89.
13. Кутафин О.Е. Публичное право и судебная защита. – М.: Норма, 2015. – С. 134.
14. Schwarze J. European Administrative Law. – London: Sweet & Maxwell, 2011. – P. 102–105.
15. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/3527353>